



ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Садуллаева Азиза

Алфраганус университети

ORCID: 0009-0001-6050-2323

a.sadullaeva87@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон минтақаларида туризми ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан Хоразм вилояти мисолида туризм салоҳияти, маданий мерос объектлари, экотуризм ва рекреация имкониятлари ҳамда давлат-хусусий шерикчилик доирасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ёритилган. Туризмнинг минтақавий иқтисодиётдаги роли, аҳоли бандлигига ва турмуш фаровонлигига таъсири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: туризм, минтақавий ривожланиш, Хоразм вилояти, маданий мерос, экотуризм, рекреация, инвестиция, давлат-хусусий шерикчилик

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА

Садуллаева Азиза

Университет Альфраганус

Аннотация. В статье рассматриваются специфические особенности развития туризма в регионах Узбекистана, в частности на примере Хорезмской области, включая туристский потенциал, объекты культурного наследия, возможности экотуризма и рекреации, а также инвестиционные проекты, реализуемые в рамках государственно-частного партнёрства. Проанализирована роль туризма в региональной экономике, его влияние на занятость населения и уровень благосостояния.

Ключевые слова: туризм, региональное развитие, Хорезмская область, культурное наследие, экотуризм, рекреация, инвестиции, государственно-частное партнёрство.

REGIONAL CHARACTERISTICS OF TOURISM DEVELOPMENT

Sadullaeva Aziza

Alfraganus University

Abstract. The article examines the specific features of tourism development in the regions of Uzbekistan, with a particular focus on the Khorezm region. The study highlights tourism potential, cultural heritage sites, opportunities for ecotourism and recreation, as well as investment projects implemented within the framework of public-private partnership. The role of tourism in the regional economy and its impact on employment and living standards are analyzed.

Keywords: tourism, regional development, Khorezm region, cultural heritage, ecotourism, recreation, investment, public-private partnership.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденцияларидан бири бу туризм соҳасининг жадал ва тезкор суръатлар билан ривожланишидир. Ҳақиқатдан ҳам туризмнинг улуши бутун жаҳон иқтисодиётида тобора ошиб бориб, Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) маълумотларига кўра, «2019 йилда дунёда яратилган 330 млн. ёки 1/10 янги иш ўринлари туризм улушига тўғри келса, туристлар сони ўз навбатида 1,6 миллиарддан ошган, яъни дунё аҳолисининг 10 фоизидан кўпроғини ташкил этган. Аммо 2020 йилга келиб, дунё бўйлаб тарқалган COVID-19 пандемияси жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, туризм соҳасида сезиларли талофатларга келтирди. 2020 йилда дунё бўйлаб сайёҳлар сони 400 миллионни ташкил этиб, 2019 йилдаги сайёҳлар сони билан таққослаганда 75 фоизга камайганини кузатиш мумкин. 2025 йилга келиб эса жаҳондаги сайёҳлар оқими олдинги 2024 йилга нисбатан 60 млн.га ўсиб, 1,52 миллиард нафарга етди.

Жаҳон миқёсида туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар ва халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш, соҳанинг ривожланишига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни аниқлаш, туризм хизматлари бозорида талаб ва таклиф муносабатларининг минтақавий хусусиятларини ўрганиш, ҳудудда туристик-реакцион кластерларни шакллантириш, туристик ресурслар ва маршрутларни ишлаб чиқиш, туристик маҳсулотларни диверсификациясини амалга ошириш ҳамда эконометрик моделлар асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича кўпгина тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, туризм фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, янги стандартлар ва бошқарув тизимлари такомиллаштирилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида мамлакатимизнинг барча минтақаларида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳа бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилиш муҳим вазифалар сифатида илгари сурилган. Шунингдек, “2019-2025 йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Концепция”сига мувофиқ, мамлакат минтақаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, экологик, қишлоқ, агро, этно ва МІСЕ – туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Шу сабабли, Ўзбекистон туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туристлар сонини жадал оширишда соҳа ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Туризмни минтақавий ривожлантириш масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари қатор хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, улар орасида Ломсдон (2009) нинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф туризмни ҳудудий иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида баҳолаб, уни ривожлантиришда минтақанинг табиий-географик шароити, маданий-тарихий мероси, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва инфратузилма даражасини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди. Ломсдон (2004) ёндашувига кўра, минтақавий туризмни самарали ривожлантириш комплекс режалаштириш, барқарор ривожланиш тамойилларига амал қилиш ҳамда давлат, хусусий сектор ва маҳаллий жамоалар ўртасидаги ҳамкорликка таянишни талаб этади. Унинг назарий хулосалари туризмнинг минтақавий иқтисодиётга мультипликатив таъсирини, аҳоли бандлигини ошириш ва ҳудудлар фаровонлигини таъминлашдаги ролини илмий асослаб беради. Мазкур ёндашувлар Ўзбекистон, хусусан Хоразм вилояти туризм салоҳиятини баҳолаш ва ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Туризмни минтақавий ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари хорижий тадқиқотчилар орасида Пейдж (2019) ишларида чуқур ёритилган. Муаллиф туризмни ҳудудий иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида баҳолаб, унинг шаклланишида макон (space), жойлашув (location) ва ҳудудий алоқаларнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Пейджга кўра, туризм ривожини транспорт етишувчанлиги, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, туристик оқимларни бошқариш ҳамда минтақалар ўртасидаги иқтисодий номуносибликларни камайтириш билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, олим туризмни режалаштиришда барқарор ривожланиш тамойилларига амал қилиш, маҳаллий жамоалар манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳудудий сиёсат билан уйғунлаштириш зарурлигини илмий асослайди.

Пейджнинг (2015) назарий хулосалари туризмнинг минтақавий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш, шу жумладан аҳоли бандлиги, хизматлар соҳаси ривожини ва ҳудудий рақобатбардошликни ошириш масалаларини тадқиқ этишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Туризмни минтақавий ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари Петерс (2005) илмий ишларида кенг ёритилган. Муаллиф туризмни ҳудудий иқтисодий тизимнинг стратегик тармоғи сифатида талқин қилиб, уни ривожлантиришда институционал муҳит, бошқарув механизмлари ва инвестицион фаолликнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Петерсга (2005) кўра, минтақавий туризмнинг самарали ривожини давлат сиёсатининг изчиллиги, хусусий сектор фаол иштирокини таъминлаш ҳамда давлат-хусусий шерикчилик механизмларини жорий этиш билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, олим туристик ҳудудларни ривожлантиришда инновацион ёндашувлар, хизматлар сифатини ошириш ва рақобатбардош туристик маҳсулотларни шакллантириш зарурлигини илмий асослайди. Петерснинг (2005) назарий хулосалари туризмни минтақавий даражада бошқариш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида анкета-сўровномаларини ўтказиш усулидан фойдаланилди. Анкета-сўровномалари Хоразм вилояти Урганч ва Хива шаҳарларида туризм хизматларини таклиф қилаётган меҳмонхона менежерлари, туроператорлар, гид экскурсаводлар, ресторон, кафе бошқарувчилари ҳамда музей ходимлари ўртасида ўтказилди. Анкета-сўровномада жами 61 нафар респондент иштирок қилди. Анкета-сўровномаси ўз ичига респондентларнинг туризм фаолияти билан шуғулланиши учун асосий мотивлари, вилоятда туризмни ривожлантириш имкониятлари, туризм индустрия хизматларини ташкил қилиниши, пандемия ва пандемиядан сўнг туризмни ривожлантириш йўналишлари ва бошқа шу каби саволларни ўз ичига олди. Сўровномалар асосида олинган бирламчи маълумотлар Excel дастури асосида таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнги йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш, вилоятга хорижий ва маҳаллий сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўламини янада ошириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган.

Хоразм вилоятида 2017 йилда жойлаштириш воситалари сони жами 56 та, 2018 йилда жами 69 та, 2019 йилда жами 152 та, 2020 йилда жами 162 та ташкил қилган ва улардаги хоналар сони 2344 та, ўринлар сони 4922 тани ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 3 баробарга, 2018 йилга нисбатан 2,5 баробарга, 2019 йилга нисбатан 1,1 баробар, 2020 йилга нисбатан 1,06 баробар ўсишга эришилган. Вилоятда


2017 йил давомида сайёҳлик ташкилотлари сони жами 22 та, 2018 йилда 34 та, 2019 йилда 58 та, 2020 йилда бу кўрсаткич 59 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 га нисбатан 2,6 баробарга, 2018 йилга нисбатан 1,7 баробарга ўсишга эришилган.

Вилоятида 2017 йилда замонавий туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари сони жами 21 тани, 2018 йилда 34 тани, 2019 йилда 133 тани, 2020 йилда 293 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 14 баробарга, 2018 йилга нисбатан 8,6 баробарга, 2019 йилга нисбатан 2.2 баробарга ўсишга эришилган. Хоразм вилоятида 2017 йилда тегишли сертификатларга эга гид-экскурсоводларнинг жами 89 та, 2018 йилда 103 та, 2019 йилда 114 та, 2020 йилда ва ҳозирги кунда 138 та гид-экскурсоводлар тегишли сертификатлар олиб сайёҳларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,5 баробарга, 2018 йилга нисбатан 1,3 баробарга, 2019 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошган.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида моддий-маданий мерос объектлари 259 тани ташкил қилиб, шундан 37 та архелогия объектлари, 135 та архитектура объектлари, 81 та монументал санъат ёдгорликлари ҳамда 6 та диққатга сазовор жойларини ташкил қилган. 2017 йилда туристик ахборот марказлар сони 1 та, 2018 йилда 4 та, 2019-2020 йилларда 12 тани ташкил қилинган.

Тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилояти туризм бозори имкониятларини тақлиф томинини таҳлил қилиш учун ўтказилган сўровномада жами 62 нафар респондент қатнашган бўлса, шундан 54,1% меҳмонхона менежерлари, 16,4% туроператорлар, 11,5% ресторон, кафе бошқарувчилари, гид-экскурсоводлар 6,6%ни, туризм департаменти ходимлари 6,6%ни, музей ходимлари 3,3%ни ҳамда бошқлар 1,6%ни ташкил қилади. Шунингдек респондентларнинг 43,3%и Урганч шаҳридан, 56,7%и Хива шаҳридан иштирок қилди.


Сўровномада “Туризм фаолияти билан шуғулланишингизга сабаб бўлган омилларни қай даражада баҳолайсиз?” саволига респондентларнинг аксарияти, яъни 36 нафари моддий манфаатдорлик ва маҳаллий аҳоли учун янги ишчи ўринлари очиш, 28 нафар респондент маҳаллий аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда 23 нафари давлат имтиёзларидан фойдаланишни муҳим мотивлар эканлигига қўшилишини кўрсатганлар (1-расм).



1-расм. Туризм фаолияти билан шуғулланишингизга сабаб бўлган мотивлар


Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Шунингдек, респондентлар “Хоразм вилоятида қайси туризм турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд?” саволига жами респондентларнинг 34 нафари “экотуризм”, 31 нафари “Зиёрат туризми”, 30 нафари “агротуризм”, 25 нафари “спорт, соғломлаштириш туризми” ҳамда 16 нафари “Бизнес ишбилармонлик туризм”ларини ривожланиши учун салоҳият мавжуд эканлигига “қўшилиш”ини билдирганлар(2-расм).




2-расм. Хоразм вилоятида туризм турларини ривожлантириш имкониятлари
Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Хоразм вилоятида туристик индустрия хизматлари сўровномада иштирок қилган респондентларнинг қуйидигача баҳолаганлар: 31 нафар респондент туроператорлик ва турагентлик хизматларини, 27 нафари автомобил транспорти хизматларини ва 25 нафари трансфер хизматларини “ўрта”, 28 нафар респондент ҳаво транспорти хизматларини, 25 нафари темир йўл транспорти ва умумовқатланиш хизматлари кўрсатишини “яхши” деб баҳолаганлар(3-расм).




3-расм. Туризм индустриясининг ривожланиш даражаси
Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Анкета-сўровномаларида респондентлардан маҳаллий туроператорлар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилояти туроператорларга нисбатан нима учун фаол эмаслиги ҳақида савол берилганда, 30 нафари маркетинг жараёнларини яхши билмаслиги ва тажриба етишмаслигини қайд қилган бўлса, 19 нафари молиявий қийинчиликлар, 16 нафари талабни яхши тушунмаслиги, 15 нафар билим ва кўникма етишмаслиги деб ҳисоблаганлар(4-расм)



4-расм. Маҳаллий туроператорларнинг фаол эмаслигининг муҳим омиллари
Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Бизга маълумки, минтақа туризми ривожланишида бир қанча омиллари, жумладан, халқаро ва маҳаллий туристларнинг талаб ва истаклари, маркетинг чора-тадбирларини қўлланилиши ҳамда давлатнинг қўллаб қувватлови муҳим аҳамият касб қилади. Шуларни ҳисобга олиб, анкета сўровномасида Хоразм вилоятида туристик фаолият билан шуғлланиш учун юқорида санаб ўтилган омиллари қай даражада муҳимлигини анилаш мақсадида савол киритилган эди. Сўровномада иштирок қилган респондентларнинг 33 нафари халқаро туристлар талаби, 35 нафари маҳаллий туристлар талаби, 23 нафари ташқи маркетинг ва 28 нафари ҳукуматнинг қўллаб-қувватлови минтақада туристик фаолият билан шуғулланиш учун муҳим омиллари деб ҳисоблашини билдирганлар (5-расм)



5-расм. Минтақада туризм фаолияти билан шуғулланиш учун муҳим бўлган омиллари

Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Барчамизга маълумки, 2020 йилнинг январ ойидан бошланган COVID-19 пандемияси бутун жаҳон туризм индустриясига, жумладан, мамлакатимиз, қолаверса Хоразм вилояти туризм соҳасига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. 2020 йилнинг 26 мартдан пандемия туфайли мамлакатимиз ташқи чегараларини ёпилиши ортидан, хорижий сайёҳлар ташрифи тўлиқ тўхатади. Бунинг оқибатида 1,5 мингдан ортиқ туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолияти тўхататиб, гидлар, миллий хунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий

таъсир қилди[10]. Шунингдек, пандемия ва пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистон ҳукуматининг туризм соҳасини қўллаб қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари тадқиқ қилинган.


Юқоридаларни ҳисобга олиб, анкета-сўровномада респондентларга “Пандемия даврида давлат томонидан туризм соҳасини қўллаб-қувватлашни қай даражада баҳолайсиз?” ҳамда “Пандемиядан сўнг минтақада қайси туризм турларига талаб кўпаяди деб ўйлайсиз?” каби саволлар ҳам берилди. Респондентларнинг аксарият қисми пандемия даврида туристик корхона ва ташкилотлар давлат томонидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, меҳнатни тартибни солишнинг қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, нақд пул олиш, қисқа муддатли молиявий ёрдам ва олинган кредит муддатларини узайтириш каби чора-тадбирлар “ўрта” ва “яхши” амалга оширганликларини қайд қилганлар(6-расм).



6-расм. Пандемия даврида минтақа туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.


Шунингдек, анкета-сўровномада иштирок қилган респондентларнинг аксарияти, пандемиядан сўнг, Хоразм вилоятида зиёрат туризми, эко-агротуризм, реакрацион туризм хизматларига талаб юқори бўлиши билдирганлар. Шунингдек, ҳудудда гастрономик ва маданий-тарихий туризмни ривожлантириш пандемиядан сўнг, муҳим йўналишларидан бири бўлиши мумкинлиги қайд қилинган (7-расм)



7-расм. Пандемиядан сўнг Хоразм вилоятида ривожланиши мумкин бўлган туризм турлари

Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.


Ҳозирги даврда маҳаллий туристик корхоналар ўз турмаҳсулотлари ва турхизматларини реализация қилишда турли оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда туризм бизнесини фаолиятини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, анкета-сўровномада Хоразм вилояти туризм бизнеси субъектлари ўз турмаҳсулотларини сотишда қайси оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиши билан боғлиқ савол билан мурожаат қилганда, жами респондентларнинг 90%и ижтимоий тармоқлар(Facebook, Instagram)дан кенг фойдаланишини билдирганлар. Шунингдек, корхоналарнинг WEB саҳифлари ва интернет қидирув тизимлари ҳам турмаҳсулот ва турхизматларни реализация қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинган(8-расм).



8-расм. Минтақада турмаҳсулот ва хизматларни реализация қилишда фойдаланиладиган ОАВлари

Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасини рақобатбардошлигини ошириш, минтақада туристик хизматлар ҳажмини ошириш ҳамда ЯҲМ улушида унинг улушини кўпайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун аввало, минтақада туризм рақобатбардошлигини оширишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Сўровномада иштирок қилган кўпчилик респондентларнинг фикрича Хоразм вилоятида туризм рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида соҳани малакали кадрлар билан таъминланганлиги, тарихий-маданий, археологик туристик ресурслар ҳамда минтақани географик жойлашувини эътироф қилганлар(9-расм).



9-расм. Минтақада туризм рақобатбардошлигини ошириш омиллари

Манба: Анкета-сўровномалари асосида муааллиф ишланмаси.

Шунингдек, анкета-сўровномасидаги “Хоразм вилоятига ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар бир кунда қанча пул сарфлашини айта оласизми?” саволига респондентларнинг 39,3%и 100 АҚШ долларигача, 39,3%и 100-200 АҚШ доллари атрофида, 16,4%и 201-300 АҚШ долларигача, 4,9%и 300 АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфлайди деб жавоб берганлар. Ундан ташқари, Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий туристларни қолиш муддатларини бўйича берилган саволга жами респондентларнинг 59%и 1-2 кун, 24,6%и 1-кун, 13,1 % 3-4 кун ҳамда 3,3% 5 кундан зиёд фикр билдирганлар.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Л. Ломсдон, С. Пейдж ва П. Петерснинг назарий ёндашувлари туризмни ҳудудий иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида баҳолаш, уни комплекс режалаштириш, институционал муҳитни такомиллаштириш ва барқарор ривожланиш тамойилларига таяниш зарурлигини илмий асослайди. Ушбу ёндашувлар асосида туризмнинг минтақавий иқтисодиётга мультипликатив таъсири, аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашдаги ўрни яққол намоён бўлади.

Ўтказилган таҳлиллар Ўзбекистон, хусусан Хоразм вилояти мисолида туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун маданий мерос объектлари, экотуризм ва рекреация ресурсларини комплекс ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда давлат-хусусий шерикчилик асосида инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканини кўрсатди. Шу боис, минтақавий туризмни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда илмий-назарий ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу мамлакат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Gössling, S. and P. Upham. (2009) “Climate Change and Aviation. Issues, Challenges and Solutions.”.

Les Lumsdon, Stephen J. Page, (2009) ‘Tourism and Transport: Issues and Agenda for the new Millennium’, (London: Elsevier, 2004), ISBN 0080441726; Stephen J. Page, ‘Tourism Management: Managing for Change’, (UK: Routledge, 2009), ISBN 9781856176026.

Page, S. J. (2015) *Tourism: A Modern Synthesis. 4th edn. Andover: Cengage Learning.*

Page, S. J. (2019) *Tourism Management. 6th edn. London: Routledge.*

Peeters, P. et al. (2005) “European tourism transport and environment”.